

Шайхул ислом Аллоҳшукур Пошозода: «Бу диёрнинг алломалари Ислоннинг улуғ маданий-маънавий меросини бойитганлар!»



17:50 / 15 октябрь 488

Пойтахтимизда ташкил этилган “Ислон – тинчлик ва эзгулик дини” мавзусидаги халқаро нуфузли конференция қизғин суҳбатларга, ўзаро фикр алмашинувларга бой бўлмоқда. Унда ислом динининг тинчликпарвар ғоялари хусусида батафсил сўз юритилмоқда. Мазкур халқаро конференция исломнинг эзгу ғояларини тарғиб этишда олимларнинг яқдил, ҳамжиҳат бўлишларига чорлаётгани билан ҳам аҳамиятли.

Кавказ мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайхул ислом Аллоҳшукур Пошозода бу нуфузли конференция ҳақида фикрларини билдирди:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат қурилишида шундай улуғвор меросга, бой маънавий манба ва чуқур мазмунли асосга таянадик, бу ютуқлар ўз номини тарихга зарҳал ҳарфлар билан ёздириб, Ўзбекистоннинг асрлар давомида чўққида бўлишига мустаҳкам кафолат беради. Ўзбекистоннинг Ибн Сино, Форобий, Беруний, Улуғбек каби олимлари, Имом Бухорий, Термизий, Мотуридий каби улуғ дин пешволари, Амир Темур ва Бобур каби буюк саркардалари, Алишер Навоий каби шеърят усталари ва бошқа кўзга кўринган тарихий шахслари башарят тарихига беқиёс ҳисса қўшиб, исломнинг улуғ маданий-маънавий меросини бойитганлар, шунингдек, Европа уйғониш даврига

туртки берганлар.

Аллоҳга шукрки, ислом олами учун туганмас хазинага эга бўлган биродар Ўзбекистон ўзининг қудратли сиёсий етакчиси бошчилигида тарихий-маънавий миссиясини муваффақиятли давом эттирмоқда.

Бой тарихий ва маънавий меросга асосланиб, Ўзбекистон билан бўлган маданий-маънавий алоқаларни сақлаш ва ривожлантириш Озарбайжон учун ҳам ҳар доим катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Бугунги кунда Президентимиз Илҳом Алиев ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўртасидаги биродарлик ришталари халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада юксалтиришга, жумладан, маънавий соҳалардаги алоқаларнинг ривожланишига улкан туртки бермоқда.

Бир хил этник илдизларга, ўхшаш тарих ва менталитетга эга бўлган қардош халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги сифат босқичига кўтарилишини, Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги Иттифоқчилик қарорини беқиёс фахр ва ифтихор манбаи деб ҳисоблаймиз. Қорабоғ заминида Ўзбекистон томонидан қуриб берилган Мирзо Улуғбек номидаги ўрта мактабнинг нафис ва муҳташам биноси ўзбек халқининг қардош совғаси сифатида Озарбайжон халқи учун ниҳоятда азиздир.

Ислом оламининг ажралмас қисми бўлган, миллий ва маънавий қадриятларига содиқ дунёвий, намунавий давлат моделлари бўлган Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг доно, глобал тафаккурга эга давлат етакчиларининг бу йўналишда, шунингдек, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини дунё миқёсида танитиш, унинг қадриятларини ҳимоя қилиш ва исломофобияга қарши курашишдаги алоҳида ўрни бор. Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг 2017 йилни “Ислом ҳамжиҳатлиги йили” деб эълон қилиш қарорини Президент Шавкат Мирзиёев Ислом олами учун зарур деб баҳолаган ва Тошкентда “Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида Ислом ҳамжиҳатлиги” халқаро конференциясини ўтказишимизга ўз хайр-дуосини берган эди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ислом цивилизацияси марказини барпо этиши дин, илм ва замонавийликнинг уйғунлашган бирлиги рамзи ва ривожини ифодалайди.

Бугунги нуфузли тадбирни ўтказиш қарорини Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг юксак минбаридан баён қилган эдилар. Шукрки, Президентнинг глобал ғоя ва ташаббуси ўз самарасини бермоқда ва ислом динининг гуманистик моҳиятини юксак даражада тақдим этиш нуқтаи

назаридан муҳим форум Ўзбекистон мезбонлигида амалга ошмоқда.

Ушбу нуфузли конференцияда Ислом оламининг машҳур, обрўли диний ва жамоат арбоблари иштирок этмоқда. Ишончим комилки, Тошкент форуми Ислом оламининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва юқори даражада тақдим этиш йўлида ўзига хос ҳисса қўшади. Қардош Ўзбекистон атеизм ҳукмрон бўлган даврда ислом нурини ўчирмаган маёқ ролини бажарган. Советлар Иттифоқи даврида бу нурга эргашиб, 500 йиллик тарихга эга бўлган Мир Араб мадрасасига, Тошкент Ислом Академиясига юзланган авлод вакили сифатида, ўз ватаним Ўзбекистоннинг бугунги кунда ҳам бу миссияни давом эттираётганидан фахрланаман.

Яна бир бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқи ва давлатининг ривожига ҳамда Ислом оламининг юксалиши йўлида олиб бораётган эзгу фаолиятларига Аллоҳдан барака тилайман. Парвардигор давлатларимизни, Озарбайжон-Ўзбекистон иттифоқини, халқларимизни ва доно давлат раҳбарларимизни ҳимоя қилсин! Аллоҳ Таоло Ислом оламини, мусулмон умматини доимо улуғда барқарор қилсин, ер юзида тинчлик ҳукмрон бўлсин!

Н.Усмонова.

Манба: ЎЗА